



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 25 июнь, № 133 (7913)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ СОҲАЛАРИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 июнь куни инвестиция ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижадорлиги, йил якунигача амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт ва инфратузилмани ривожлантириш, долзарб лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида фаол инвестициявий сиёсат олиб борилмоқда. 2017 йилдан бошлаб барча манбалар ҳисобидан 716 триллион сўм (83 миллиард доллар) ёки олдинги даврдан нисбатан 2 баравардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган. Шундан қарийб 27 миллиард долларни хориқдан жалб қилинган маблағлар ташкил этади.

Ўзлаштирилган инвестицияларнинг деярли 65 фоизи саноат ва инфратузилма лойиҳаларига тўғри келади. Натижада сўнгги 4 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибига саноатнинг улуши 25 фоиздан 33 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,3 баравар ўсган.

Ушбу даврда 441 триллион сўмлик 47 мингдан зиёд йирик, ўрта ва кичик лойиҳалар ишга туширилиб, 680 мингдан ортиқ доимий янги иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, сўнгги 4 йилда маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 100 триллион сўм инвестиция йўналтирилган.

Йиғилишда инвестицияларнинг натижадорлиги чуқур таҳлил қилинди.

— **Олиб келинган ҳар бир доллар халқимизга, ҳудудлар ва тармоқларга ўзининг ижобий натижасини бериши керак. Агар туманларда**

**вазият ўзгарганда эди, қанча иш ўрни, қанча экспорт бўлган бўларди. Инвестиция ва экспорт билан шуғулланмаган ҳокимларнинг келажаги йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Таҳлилларга кўра, ажратилган ҳар бир миллиард сўм эвазига Наманганда 12 та, Андижонда 11 та, Навоий ва Сирдарёда 8-9 тадан янги иш ўрни яратилган. Бу кўрсаткич Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда 6-7 та, Қашқадарё ва Фарғонада 5 тага тўғри келган. Қорақалпоғистон, Жиззах, Сурхондарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида эса атиги 3-4 тани ташкил этган.

Ёки яна бир таҳлил: Тошкент вилоятига сўнгги 4 йилда йўналтирилган 950 миллион доллар хорижий инвестиция ва банк кредитлари ҳисобига атиги 40 мингта янги иш ўрни яратилган. Яъни бир иш ўрни 24 минг долларга тўғри келмоқда. Вахоланки, Наманган вилоятида 2 баравар кам маблағ сарфланиб, 52 мингта иш ўрни очилган.

Шунингдек, 2 мингдан зиёд корхоналар паст қувватда ишлаётгани, айрим туманларда ишлаб чиқариш ҳажми камайгани қайд этиб ўтилди.

Президентимиз тармоқ ва ҳудуд раҳбарларининг асосий вазифаси инвестициявий фаолликни кучайтириш билан бирга, уларнинг самардорлигини ошириш бўлиши кераклигини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда саноат бўйича ишга солинмаган имкониятларни аниқлаб, манзилли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Масалан, ҳамма жойда мебелларга талаб, уларни тайёрлашга шароит бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” қарори бу соҳа учун имкониятларни кенгайтирди. Нукус, Андижон, Олтинкўл, Ромитан, Қарши, Кармана, Пастдарғом, Узун, Бағдод, Ўрта Чирчиқ ва Хонқа туманлари, Жиззах, Қарши, Наманган ва Янгиер шаҳарлари мебелсозликка мослаштирилди. Уларда мебелсозликка ихтисослаштирилган кичик саноат зоналари ташкил этилиб, 200 миллион долларлик 450 та лойиҳа жойлаштирилади ва камида 7,5 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, юртимиздаги 5 мингдан зиёд мебел корхоналаридан 1 минг 500 таси хонадонларда жойлашган. Энди уларни саноатлаштириш, маҳсулотларни ва иш ўринларини янада кўпайтириш мумкин.

Бундай ишларни чарм-пойабзал, электр техникаси, тўқимачилик, фармацевтика, заргарлик, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ҳам амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда чарм-пойабзал саноатида 202 миллион долларлик 112 та лойиҳа, электр техникаси тармоғида 140 миллион долларлик 45 та лойиҳа, фармацевтика йўналишида 146 миллион долларлик 36 та лойиҳани ўз вақтида ишга тушириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Охириги йилларда 11 мингта шундай корхона фаолияти тиклангани айтиб ўтилди.

Жумладан, собиқ “Андижон Маши” корхонаси негизда кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 24 та янги корхонада мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Тошкент шаҳридаги “Технопарк”, Фарғонадаги “Механика заводи” ҳам бунга мисол бўла олади.

Шу билан бирга, бугунги кунда бўш турган ва паст қувватларда ишлаётган яна 19 мингта объект бор. Мутасаддиларга уларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, электрон платформасини яратиш, тадбиркорлар билан уchrашиб, лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам бериш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда умумий қиймати 6 миллиард 500 миллион долларлик 226 та йирик тармоқ сўнгги 4 йилда жалб қилинган инвестициялар самардорлиги ҳамда келгусидаги истиқболли йўналишлар бўйича ахборот берди.

Ў.А.

## Сенат ялпи мажлиси олдида

### МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИГИШ, ЖАМЛАШ ВА ИШЛАШ

жараёнида иштирок этадиган субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилмоқда

Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлисида бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилиниши кутулкида. Шулардан бири “Расмий статистика тўғрисида”-ги қонундир. Мазкур ҳужжат миллий статистика тизимини янада ривожлантириш мақсадларига қаратилган бўлиб, маълумотларни йиғиш, жамлаш ва ишлаш жараёнида қатнашадиган субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратишга ҳизмат қилади.

Қонуннинг асосий мақсади — юртимиз статистика тизимини маълумотлар асослангани ва очиқ-ошкорлигини таъминлаш, сифат даражасини кескин ошириш ҳамда уларни фуқароларга ва барча фойдаланувчига, шу жумладан, хорижий фойдаланувчиларга етказиш механизминини халқаро талаб даражасига кўтаришдан иборат.

Шу боис қонун билан расмий статистикада фойдаланиладиган барча маълумотлар — маълумот йиғиш бўшқа манбалардан олинган маълумотларни йиғиш, ишлаш ва уларнинг қўлланилиши талаблари белгилаб қўйилмоқда. Миллий статистика тизими, расмий статистикани тайёрловчилар, маълумотларни етказиб берувчилар, респондент ва фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабати қоидалари ҳам белгилаб берилган.

Ҳозиргача қўлланиб келаётган “давлат статистикаси” тушунчаси ўрнига БМТ томонидан тасдиқланган таъминот ҳамда халқаро стандартларга мос талабни ўз ичига оладиган “расмий статистика” тушунчаси киритилгани унинг муҳим янгиликларидан яна биридир.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси бугун — 25 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида видеоконференц-алоқа тарзида ўз ишнини бошлади. Ялпи мажлис 25-26 июнь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

## Долзарб мавзу

“COVID-19” деб аталмиш баъзи оғат нафақат иммунитетимиз, балки иродаимиз, сабр-матонатимиз ва ҳатто тафаккуримизни ҳам синовдан ўтказишни бошлаганига қарийб бир ярим йил бўлди.

## Коронавирусга қарши курашишнинг энг мақбул йўли

Ўзбекистон ҳам дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари қаторида қатъий карантин чораларини татбиқ этган мамлакатлар сирасига кирди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда коронавирусга қарши кураш, унинг профилактикаси ва даволаш усуллари бўйича салмоқли тажриба тўпланди. Бир қарашда уринишларимиз зоо кетмагандек, шифокорларнинг матонатли меҳнати ҳамда карантин қоидаларига риоя қилингани ҳисобига ушбу инфекция билан касалланиш ҳолатлари камайгандек бўлди.

Ўтган йилги карантин чекловлари бекор қилиниб, вазиет янги томонга ўзгарганига алданиб, аниқроғи, ўзимизни ўзимиз алдаб, бу жиповланмаган офатни масофа қаслаш, ўзимизни аққалаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш билан даф қилишимиз мумкинлигини ёдимиздан чиқариб қўйди, назаримда. Йўқса, шу кунларда касалланиш даражаси яна кескин ошаётгани ҳақидаги хабарлар тез-тез қулғимизга чалинмаган бўларди.

Республика махсус комиссиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва илмий марказлар олимлари иштирокида навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимизда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазиет ҳамда ушбу инфекция билан касалланиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

Энг муҳими, йиғилишда масъул раҳбарлар ҳисоботлари эшитилиб, коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик масаласига бағишлаб Бухоро шаҳрида ташкил этилган халқаро форумнинг иккинчи иш куни ҳам мазмунли, ўзаро фикр алмушуларга бой тарзда кечди. Унда қатнашган қатор давлатлар парламентлари аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар ўз чиқишларида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш дастури доирасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилди, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасида тақлифларини баён қилди. Шу аснода илғор миллий ва хорижий тажрибалар ўзаро баҳам кўрилди.

Форумнинг 5-сессияси “Парламент назорати, БРМ бажарилиш жараёнини мониторинг қилиш ва баҳолаш” мавзусига бағишланди. Унда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Широков Барқарор ривожланиш

мақсадлари бажарилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг миллий амалиёти ҳусусида атрафила тўхтади.

Сессияда таъкидланишича, бугунги кунда парламент имкониятларини сафарбар этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Чунинчи, ўтган йили барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва ва-

зифаларнинг амалга оширилиши назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тўзилди.

Қонун ижодкорлиги ва парламент назорати институтларидан фойдаланган ҳолда барқарор ривожланишнинг мақсад ҳамда вазиетларини ҳаётга татбиқ этишда ҳар иққала палата фаол иш олиб бормоқда.

Айниқса, бюджетни шакллантириш ва ижросини назорат қилиш Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш керакки, бюджет харажатларининг ақсарият қисми ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Бугун Ўзбекистон бюджетини ижтимоий йўналтирилган бюджет, деб бемалол айтиш мумкин.

Бу борада масъулият ҳамда жавобгарликни кучайтириш, мавжуд тизимли муаммоларни бир-галликда ҳал қилиш нуктаи назардан ҳукумат билан мулоқотлар узвийлик ва мунтазамлик касб этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Афғонистондаги, жумладан, чегарада шимолий вилоятлардаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини диққат билан кузатиб бормоқда.

Қўшни мамлакатда зўравонликнинг ортиши чуқур ҳавотир уйғотмоқда. Коронавирус пандемиясининг янги тўлқини шароитида кескинлашгани кучайиши афғон халқи ҳаётини янада мураккаблаштирмоқда.

Ихтилофга алоқадор барча томонларни куч ишлатишдан тийилишга ҳамда тинч аҳоли орасида қурбонлар келиб чиқишига йўл қўймасликка чақирамиз.

2021 йилнинг 23 июнь куни 53 нафар афғон чегара қўшинлари ҳарбий зиматчилари ва маҳаллий қуроли гуруҳлар Шўртепа тумани ҳудудидан Ўзбекистонга ўтди.

Зарурий суриштирув ва тергов тадбирлари ўтказилганидан сўнг ушбу афғон фуқаролари ватанига қайтарилди.

Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний киришга қилинган ҳар қандай уринишлар қатъий бартараф этилади, давлат чегарасини бузганларга эса энг кескин чоралар қўрилади.

Ўзбекистон томони Афғонистон билан аъ-

анавий дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини асраш, бетарафликни сақлаш ҳамда қўшни мамлакат ички ишларига аралашмаслик тарафдори эканлигини қатъий маълум қилади.

Ўзбекистон ҳукумати биродар афғон халқини ҳар томонлама иқтисодий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, жумладан, мамлакатда мустақам ва кенг қамровли тинчлик ўрнатилишига ҳизмат қиладиган йирик энергетика ва транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш орқали қўмақ беришда давом этади.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



## ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Олий таълимдаги устувор вазифаларни бажаришнинг самарали механизмининг жорий этиш” мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутatlари, Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимлари, Олий аттестация комиссияси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда “Эл-юрт умиди” жағғармаси раҳбарлари иштирок этди.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар замонавий билимга эга бўлган юқори малакали кадрларга эҳтиёж янада кучайтирмоқда.

Президентимизнинг соҳага оид Фармон ҳамда қарорлари асосида олий таълим муассасалари (ОТМ)даги талабаларнинг кўпайишига ўртача 3 баробаргача ошди, қабул квоталарни кўпайди, бакалаврият ва магистратурага қабул жараёнлари шиффофлашди. Натижада ўқишга истезъодли ҳамда қобилиятли ёшларни қабул қилиш тизими яратилди.

Шунингдек, халқаро рейтингларда юқори кўрсаткичларга эга бўлган нуфузли хорижий ОТМнинг филиаллари, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, янги таълим ташкилотлари, пойтахтдаги йирик олийгоҳларнинг вилоятлардаги филиаллари очилмоқда.

Семинар иштирокчиларининг таъкидлашича, олийгоҳларда таълим сифатини юксалтириш йўлида рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илмий даражаси ва илмий унвонларига нисбатан меҳ-

натга ҳақ тўлаш мезонлари тақомиллаштирилди. Натижада олий таълим тизимини янада кўп муаммолар ижобий ҳал бўлмоқда. Бирок ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг 16 июнь куни Олий таълим тизимини янада изчил ривожлантириш мақсадида ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, олий таълим муассасаларида юқори илмий-педагогик салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилардан иборат башқорув кенгаши фаолиятининг тақомиллаштирилиши олийгоҳ олдида турган турли масала ва муаммоларни ҳар томонлама таҳлил этиб, жамоавий ҳал қилиш имконини яратиб беради. Шу билан бир қаторда, қўриб чиқилаётган масала ва муаммолар сифатли ҳамда шиффоф тарзда ҳал этилади. Бундан бун олийгоҳлардаги таълим йўналишларининг ўқув режалари ва уларга тегишли бўлган адабиётлар, фан дастурларини жорий қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси ҳамда тахтдаги йирик олийгоҳларнинг вилоятлардаги филиаллари очилмоқда.

Мухокамалар якунида мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

Муносиқон КАРИМОВА.

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ушбу жараёнга, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлар, ёшлар ташкилотлари ҳам кенг жалб этилган. Хусусан, Олий Мажлис палаталари хузуридаги Ёшлар парламентлари самарали фаолият олиб бормоқда. Дарвоқе, форум иштирокчилари қаторидан Ёшлар парламенти аъзолари ҳам ўрин олган.

Сессияда, шунингдек, Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Баир Жамсубековнинг "БРМни амалга ошириш учун парламент назорати механизми ишлаб чиқиш" ҳамда Индонезия парламенти Вакиллар палатаси парламентларо ҳамкорлик бюроси раҳбари, Коррупцияга қарши глобал ташкилот котибати фаолият ижро этувчи директор Эндэх Тажмаҳани Двирина Ретноустунинг мазкур мамлакатда тўпланган тажриба тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Тадбирнинг кейинги сессияларида БРМни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда жамоатчилик иштироки, барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида жаҳон парламентлари ўртасида халқаро мулоқот ва глобал ҳамкорлиكنи йўлга қўйиш ҳамда гендер йўналти-

рилган сиёсат ва ёшлар парламенти раҳбарларини ривожлантириш каби масалалар муҳокама марказида бўлди. Онлайн тарзда чиқиш қилган БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши раиси Акрам Мунирнинг таъкидлашича, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳукуматларро, парламентларо ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу жараёнда барча манфаатдор томонлар, дейлик, хусусий сектор ва оддий одамлар ҳам фаоллик кўрсатиши керак. Зеро, иқлим ўзгариши, атроф-муҳит муҳофазаси каби масалалар бутун инсониятни бирдек хавотирга солмоқда.

Маърузачининг фикрича, бутун дунёни саросимага солган пандемияга қарши курашни жаддалаштириш, ҳар бир давлатда оммавий эъланиш тезлаштириш зарур. Чунки пандемия Барқарор ривожланиш мақсадлари рўйи йўлига жиддий тўсиқ бўлиб турибди.

Форумда "яшил иқтисодиёт"ни жорий этиш, глобал муаммага айланган иқлим ўзгаришига қарши ҳамжихатликда курашиш, аёлларнинг ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида хис этишлари учун қонунчиликни мустақамлаш, ёшлар бандлиги, камбағалликни қисқартириш каби Барқарор ривожланиш мақ-

садлари рўйи йўлига жиддий ғов саналган масалалар бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилди, тўпланган тажрибалар баҳам кўрилди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Оролбўйини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихоннинг таъкидлашича, она табиати бир организмга қиёслаш мумкин. Унинг ҳар бир аъзосини асраб-авайлаш аллақачон энг глобал муаммага айланб улгурди. Айнан шу боис ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 14 июнь кунин Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг йиғилишида "Яшил белбоғ" дастурини қабул қилиш тақдирини билдирган эди. Бундан кўзланган мақсад замонавий энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан тоза технологияларни амалда кенг қўллашдан иборат.

Бинобарин, доимо, хусусан, пандемия давом этаётган шу кунларда ҳеч қачон мамлакат глобал мақсадларга алоҳида ва яққа ҳолда эриша олмайд. Шу маънода, давлатларро мунтазам мулоқот, ишонч ҳамда яқин ҳамкорлик долзарблигини йўқот-



майди. Бухорода Ўзбекистон ташаббуси билан ўтган ва БРМга эришишда ўзаро ҳамкорлиكنи мувофиқлаштиришга қаратилган илк йирик тадбир сифатида эътироф этилган мазкур форум бунинг яққол исботи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева таъкидлаганидек, форумда БРМга эришиш йўлидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди, турли давлат-

лар парламентлари тажрибаси ўрганилди. Ушбу таҳлиллар, ёндашувлар, тавсиялар келажакда қўл келиши тайин. Форумнинг якуловчи сессиясида ана шулар ҳақида батафсил сўз юртилди.

Икки кунлик тадбир якунида Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда глобал парламентларо ҳамкорлик халқаро форумининг Бухоро културалари қабул қилинди.

## Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори:



— Таассуротларга бой форумда дунёнинг кўплаб парламентлари вакиллари, экспертлари фаол иштирок этди. Уларнинг барчаси юзага келган ечимталаб масалаларни ҳамкорлик ва ҳамжихатликда ҳал этиш хусусида гапирди.

Айтиш жоиз, глобал масалаларни ечишда парламентларнинг роли жуда катта. Улар оддий одамлар билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини ўташи керак. Токи, ҳеч ким муаммолар олдида яққа-ёлғиз қолмасин.

Шу маънода, ушбу форум халқаро даражада муҳим, деб ҳисоблайман. Унда жаҳоннинг деярли барча минтақасидан, дейлик, Канада, Саудия Арабистони, Туркия, Жанубий Корея ва албатта, МДҲ мамлакатлари вакилларининг чиқишларини тингладик. БМТ раҳбари Антониу Гутерриш ҳам парламентларнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини рўйбга чиқаришдаги ҳамда давлатларнинг кўпроқ шерикларни жалб қилишдаги роли катта эканлигини таъкидлаб келди.

## Сўз — иштирокчиларга

Дунёнинг кўплаб давлатлари парламентлари БРМни биргаликда ҳаётга татбиқ этиш мақсадини кўзлаган Бухоро форуми бу интилишларнинг ёрқин мисолидир. Дарвоқе, жаноб Гутерриш ҳам Бухорода ўтган ушбу халқаро форумнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамиятидан етарли даражада бохабар.

Кези келганда айтиш лозимки, Ўзбекистонда мавжуд масалаларни оқилона ҳал этиш борасида қатор эзгу ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Гарчи, давлат томонидан фаол саъй-ҳаракатлар қилинаётган бўлса-да, чекка туманларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар борлигини кўряпман. Шу каби масалалар қаторига "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш, гендер тенглик ҳамда энергия манбалари йўналишларини ҳам киритиш мумкин.



## Эрве МОРЕЙ, Франция Сенати Хузуридаги "Франция — Марказий Осиё" парламентларо гуруҳи раиси:

— Ушбу форумда Парижда туриб онлайн тарзда иштирок этдим. Барқарор ривожланиш мақсадлари дастурини рўйбга чиқариш жараёни пандемия оқибатида сустлашди. Санитария инкирози ўз таъсирини ўтказди. Сир эмас, ижобий кўрсаткичлар қайд этилгани ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлиги, ижтимоий тенгсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси хавотир уйғотиб келмоқда. Океанларнинг ифлосланиши кучаймоқда. Ерлар ҳолати ёмонлашяпти, иқлим ўзгарапти. Шунинг учун ҳам Барқарор ривожланиш мақсадлари дастурини амалга ошириш зарур. Гарчи, бу юмуш давлатлар зиммасида бўлса-да, унинг ижросида парламентларнинг роли асло кам эмас.

Фикримча, парламент назорати механизмидан кенг фойдаланиш лозим. Яна бир воқеа, парламент Давлат бюджетини ушбу овоз беради. Шу боис ҳам у БРМга эришиш дастури ижросига ёрдам бериши мумкин. Шу ўринда Германияни мисол тариқасида келтирсак бўлади. Бу давлатда Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури бажарилишини кузатиш вазифаси билан шуғулланувчи комиссия мавжуд. Норвегия эса бюджет муҳокама-сини БРМ дастури ижросини таъминлаш нуктаи назаридан келиб амалга оширади. Бу каби тажрибаларни ўрганиш фойдадан холи эмас, албатта.

Парламентларо ҳамкорлик жуда муҳим. Бу Барқарор ривожланиш мақсадлари рўйбга чиқаришдаги муҳим вазифа. Биз ривожланаётган давлатларни молиявий ёрдам, технологиялар трансферини амалга ошириш орқали кўллаб-қувватлашимиз лозим.

## Бобур БЕКМУРОДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон Республикаси "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси:



— Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент назоратининг аҳамияти ниҳоятда муҳим. Назоратнинг яна бир тури — бу жамоатчилик назоратидир. Сўнгги йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида мамлакатимизда қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, 70 дан зиёд давлат идоралари хузурида жамоатчилик кенгашлари ўз фаолиятини бошлади, фуқаролик жамияти институтларига субсидия ҳамда грантлар учун ажратилган маблағлар миқдори икки баравар оширилди, нодавлат нотариот ташкилотларининг хорижий грантларни олиши ва тадбирларни ўтказиши билан боғлиқ қатор тўсиқлар бекор қилинди.

Барча муҳим қарорларни, жумладан, қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фақатгина жамоатчилик муҳокамасидан кейингина қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар, "Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида 2020 йилнинг ўзида нодавлат нотариот ташкилотлари томонидан мингдан зиёд жамоатчилик назорати тадбирлари амалга оширилди.

Шу билан биргаликда, фуқаролик жамиятининг ривожланиш ҳолати бўйича мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрни пастлигича қолмоқда. Назаримизда, бу аҳволни ўнглаш учун ННТ тўғрисидаги қонунни янги таҳрирда (кодекс шаклида) қабул қилиш, унда ННТнинг жамоат назоратидаги ваколатларини батафсил ёритиш зарур. Маҳаллий ҳокимият ва давлат идоралари томонидан ННТ учун ижтимоий бююртма бериш тизими тўлиқ ишламаслиги ҳамда танлов ва маблағ тақсимлаш жараёнидаги шаффоқлиқнинг таъминланмаганлиги каби масалалар ўз ечимини кутмоқда.

## Баир ЖАМСУБЕВ, Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси ўринбосари:

— Аввало, ўзбекистонлик ҳамкасбларимизга дўстона қабул учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Биз пандемия шароити бўлишига қарамай иқтисодиёт ўсишини таъминлаб келаётган Ўзбекистон ютуқларидан хурсандимиз.

Россия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури рўйбга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Шу ўринда бир мисол. Россия юридик мажбурияти бўлмаслигига қарамай, ривожланаётган давлатларга

## Зияд АБУЛТАИФ, Канада парламенти Вакиллар палатаси аъзоси, "Канада — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси:

— Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш асосий мезон ҳисобланади. Шунингдек, парламентларо ҳамкорлиқнинг ривожланиши ҳам ушбу мақсадга эришишда кўмак берадиган муҳим восита сифатида эътироф этилган.

Табиийки, бунда халқаро ҳамкорликка эҳтиёж сезилади. Бугунги кунда бутун дунё давлатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолдада экани инобатга олинса, ҳамкорлик-



иқлим ўзгаришларини юмшатиш масалаларида кўнгилли тарзда молиявий кўмак кўрсатмоқда. 2018 йилда биз Яшил иқлим фонди донон мамлакатлари қаторига кирдик.

Таъкидлаш керакки, глобал мақсадларни рўйбга чиқаришда турли манфаатдор томонларнинг куч-гайратини жамлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда фуқаролик жамияти, бизнес ва илмий доиралар ҳам назарда тутилмоқда. Бу кўп жиҳатдан парламент имкониятларидан нечоғли

аниқ маълумотларни тўплаш, молиялаштириш ҳамда статистика кўрсаткичларига эга бўлиш келажакка сармоя киритишда ҳам ёрдам беради. Қолаверса, мукамал бошқарув ҳукуматга ишонч оширади ва бу, ўз навбатида, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг таъминлашни осонлаштиради.

Форумда шу каби қатор масалалар муҳокамадан ўтказилиб, парламентларнинг ўзаро ҳамкорлигига оид фойдаланиш фикрлар билдирилдики, бу пировардида, БРМ дастурлари ижросида шаксиз асқатади.

— Мазкур форумнинг айнан Бухорода ўтказилгани жуда аjoyиб бўлди. Айнан шу қадимий шаҳар дунёга кўплаб буюк маърифатпарвар инсонларни етиштириб берган. Пировардида улар илму маърифат равишда бениҳоя катта роль ўйнади.

Икки кун давомида халқаро экспертлар, парламентлар аъзолари томонидан одамлар ҳаётини қандай қилиб яши-



лаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб беришдек долзарб масалаларда ўзаро фикр алмашувлар, муҳокама ва таҳлиллар баён этилди.

Барчамизга аёнки, ҳар бир давлатнинг ўз қонунчилиги бор. Уни БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари мазмун-моҳиятига уйғунлаштириш зарур. Форум тажриба тўплаш, уни оммалаштириш, камчиликларни аниқлаш, нуқсонларни бартараф қилиш борасида чора-тадбирлар белгилаш нуктаи назардан гоёт фойдали бўлди. Тадбирнинг юксак савияда ташкил-

етилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мен раҳбарлик қилаётган муассаса камбағалликка қарши кураш, гендер тенглик, соғлиқни сақлаш хизмати сифатини ошириш каби масалалар билан шуғулланади. Дунёнинг 60 дан зиёд давлатларида ваколатхоналаримиз бор. Айни чоғда қашшоқликни қисқартириш йўлида самарали фаолият юритяпмиз.

Форум иш фаолиятимиз самарадорлигини ошириш учун янги ғоялар берди.

Истам ИБРОҲИМОВ (Халқ сўзи) ёзиб олди.

# МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИГИШ, ЖАМЛАШ ВА ИШЛАШ

жараёнида иштирок этадиган субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилмоқда

Амалдаги "Давлат статистика тўғрисида"ги Қонун фақатгина давлат статистика органлари фаолиятини тартибга солиб, статистик маълумотларни ишлаб чиқиш бўйича бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини қамраб ол-

май статистиканинг халқаро даражада тан олиншига институционал база яратилди. Умуман, қонунни ишлаб чиқишда кўплаб ривожланган давлатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибаси ўрганиб чиқилган.

## Мазкур қонун билан:

- расмий статистикани тайёрловчиларнинг маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш фаолиятида халқаро тамойилларга амал қилиниши кўзда тутилмоқда;
- расмий статистика маълумотларининг маълумотлардан фарқи, расмий статистикани тайёрловчилар тоифалари ва уларнинг касбий мустақиллиги аниқлаштириб берилмоқда;
- маълумотларни йиғиш ва олиш тартибларининг аниқ белгилашни, фойдаланувчилар тоифаларига сифатли расмий статистика етказиб берилишининг қонуний асоси яратилмоқда;
- статистика органларининг ҳисоботларни йиғиш, кузатиш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти қонун билан муҳофаза қилиниши ҳамда ҳудудий давлат статистика органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил фаолият олиб бориши белгилаб қўйилмоқда.

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

# Коронавирусга қарши курашишнинг энг мақбул йўли

Биринчи навбатда, касаллик профилактикасига қаратилган тушунтириш ишларини, шунингдек, аҳоли томонидан жамоат жойларида никоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш каби санитария-эпидемиология талаблари назоратини олиб бориш юзасидан тегишли идораларга топшириқлар берилди.

ҳодимлари эмланиши кўзда тутилди. Тошкент ва Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларидаги 3 минг 138 та эмлаш пункти ҳамда 862 та ҳаракатдаги тиббий бригадалар, биринчи навбатда, 65 ёшдан катталар ва коронавирус инфекциясини юктириб олиш хавфи юқори бўлган тиббиёт ходимлари эмланмоқда.



Қуни кечмавий ахборот воситалари орқали касаллик яна кескин ошаётгани билан боғлиқ хабарлар билан танишар эканман, махсус шифохоналарнинг ақсариятида кекса онахон ва отахонларимиз касалликнинг асоратлари билан курашаётганини кўриб, очиги, таъсирландим. Ахир хонадонимизга нур, зиб олиб кирадиган давраларимизнинг турлида ўтирувчи нуруний отахон-онахонларимизни бундай оғир алфозда кўришдан ортиқ азоб бўлмас керак.

Энг ёмони, шифохонада журналистга интервю бераётган отахон-онахонларимизнинг деярли барчаси ўз вақтида вакцинани қабул қилишдан бош торгани ва эмлаш мавзусига жиддий эътибор бермаганини айтмоқда.

Афсуски, жамиятимизда биллиб-билмай, мутахассисларнинг тавсиясига амал қилмай, давлат томонидан қаратилган эътиборга белгисиз бўлиш, вакцинанинг акс таъсири ҳақидаги бўлар-бўлмас, шубҳали хабарларга ишонини тенденцияси юзат қилиб қолган.

Бу каби ҳолатларнинг юзага чиқиши, авваламбор, одамларимизнинг вакцина ва унинг турлари, уни қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда таъсирлари ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ, деб ўйлайман. Шу боис эмлашнинг фойдали жиҳатлари ва уларнинг турлари ҳақидаги мавзулар бўйича ижтимоий реклама, тарғибот-ташвиқоти кучайтириш ишларини яқинда жаддалаштиришимиз лозим.

Аслида, инсон саломатлигидан-да муҳим ва қимматли бойлик йўқ. COVID-19ни келтириб чиқарадиган вирус эса жуда осон юқди. Халқимизда ушбу касалликка қарши иммунитетни шакллантирмай, вакциналарни қабул қилмасдан туриб, унга қарши самарали кураша олмаймиз.

Одилжон ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.